



ҲАЖВ ТУШУНЧАСИННИГ МОҲИЯТИ

У.Р.Йўлдошев

ЎзДЖТУ катта илмий ходим - изланувчи

Калит сўзлар: ҳажв, лингвистика, тушунча, маъно, кулги, ҳазил, инсон, руҳият, изоҳ, таъриф, фикр, англаш, тушуниш, тасир.

Ҳажв фалсавий ва психолигик нутқи назардан ўрганилган бўлса ҳам, у лингвистика соҳасига ҳам бевосита боғлиқ. Ҳажв тушунчasi ва унинг механизмлари Ҳазлит (1903), Раскин (1994), Аттаро (1994), Александр (1997), Чайро (2010) ва Бергар (2010)лар томонидан ўрганилган.

Ҳажв термини асли лотинча суюқлик маъносини англатувчи “штог” сўзидан келиб чиқсан ва тибиёт термини сифатида қўлланилган[1, 13]. Бу термин бизнинг қунимизгача етиб келган, аммо ўзининг асл маъносини мутлақ йўқотган. Бундан ташқари, унинг янги маъноси анча мавхум. Чайронинг таъкидлашича, ҳозирги кунда у “панадаги термин” бўлиб “комедия”, “кулги”, “кулгили” каби тушунчаларни қамраб олади[1, 14].

Мақоламиз бошланишида кулги – ҳажв борасида икки оғиз тўхталиб ўтсак. Тарихдан маълумки, ҳалқимиз кулгини севган ва қадрлаган. Чунки у кулишни яхши кўрган. Ҳақиқатан ҳам F. Гулом таъкидлайдики, «халқда кулгичиликка тамойил» зўр. Соф, ҳақиқий, чин кулги — меҳнаткашларнинг доим содиқ йўлдоши бўлиб келган. Кулги хонадонларга кириб борган, ўтиришларни безаган, байрамларга ҳусн бахш этган. Ўтмишда кулги ёрдами билан меҳнаткашлар зулм, жаҳолатга қарши тик туриб олишганлар. У турли-туман амалдорларга, золимларга, муттҳамларга қарши курашда меҳнаткашларга қурол бўлиб хизмат қилган. Кулги ўтмишда ҳалқ оммасининг дардига, ғамига, аламига малҳам бўлган, энг оғир дамларда уларнинг қалбларига далда берган, хўрлик-зорлик азобини чеккан юракларни бироз ёзган.

Кишилар кулги орқали хаётдан,

жамиятдан, воқеликдаги катта ўзгаришлардан завқ олади, турмушга муҳаббатини орттиради, жирканч нарсаларни эса фош қиласди. Чунки ҳар бир даврдаги соф кулги ҳалқнинг улкан қалбини, бой, ранг-баранг илғор анъаналарини маълум даражада ўзида ифода эта олади.

Ҳаётда ёшу қарининг ҳаммаси кулади. Ҳақиқий, соғлом кулги ҳар қандай характердаги кишининг ҳам чехрасини очиб юборади, дилини ёритади.

Маълумки, кулги социал моҳиятга эга. Кулги кишилик жамиятидан ташқарида пайдо бўлиши, яшashi мумкин эмас. У ҳалқ ичиди, омма орасида вужудга келади, аниқ мақсадга йўналтирилган, маълум функцияни бажаришга қаратилган бўлади. Ҳақиқий кулги инсон учун, жамият учун хизмат қиласди. Шунинг учун ҳам унинг социал моҳиятисиз, ҳалқдаги ролисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳар бир замон, ҳар бир давр ўз кулгисини келтириб чиқаради. Кулгининг характерини белгилашда даврнинг ижтимоий-тариҳий ривожланиш қонуниятидан, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқишимиз талаб килинади. Замоннинг ўзгариши, жамиятнинг тараққий этиши билан бирга инсонлар ҳам ўсади, уларнинг характеристи ҳам такомиллаша боради.

Кулги предмети ўзгаради ва ривожланади. Бу ўсишлар натижасида кулги янги характеристега эга бўлади, янгича мазмун касб этади.

Ҳар бир кулгининг, у қандай даражада бўлишидан қатъи назар, заминида фикр, маъно бўлиши керак.

Кулгилилик ҳолатини ифодаловчи бир қанча терминлар мавжуд. Бу ҳолат



кулги, юмор, ханда, ҳажв каби тушунчалар билан изоҳланади. Биз бу кулгилилик тушунчасини ҳажв термини билан изоҳлашга ҳаракат қилдик. Чунки, бу термин инглиз тилида асл лотин тилидаги “umor” кўринишига яқинроқ “humour” варианти билан изоҳланади. Рус тилида “юмор” термини билан изоҳланган бу термин ўзбек тилига ҳам “юмор” кўринишида трансформацияга учраган. Лекин биз, ушбу терминни вазифаси, кўриниши жиҳатидан ўзбек тилида инглиз ва рус тилларидағи варианtlарнинг эквиваленти сифатида “ҳажв” терминини олдик ва шу термин асосида тадқиқотимизни олиб борамиз.

«Кўпдан маълумки,— деб таъкидлаган эди В. Г. Белинский,— кулгили нарсанинг асосида ғоя билан шакл ёки шакл билан ғоя ўртасидаги иномувофиқлик, зиддият ётади»[2, 44]. Лекин буларнинг хар бирини алоҳида алоҳида олган тақдиримизда ҳеч қайсиси ҳақиқий кулгини уйғота олмайди. Инсондаги шакл билан мазмуннинг номувофиқлиги қачон кулгили тусга киради? Бунга Н. Г. Чернишевский ўзгачароқ тарзда жавоб беради: «кабиҳ нарса ўзини гўзал қилиб кўрсатишга қаттиқ уринган тақдирдагина у кулгили бўлиб қолади»[3, 185-186]. Бошқача қилиб айтсак, ичи қалтироқ бўлса, лекин ўзини ялтироқ қилиб тақдим этишга уринса, ана ўшанда кулги қўзғалади. Бу фикрларнинг қанчалик ҳақиқатга яқин ёки яқин эмаслигини турли манбаларда берилган ҳажвнинг изоҳларига эътибор қаратиш орқали билишимиз мумкин.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳажвга қуйидагича таъриф берилган: айрим шахс ёки ижтимоий ҳаётдаги нуқсонларни кулги остига олиб, масхаралаб айтилган (ёзилган) гап, жумла, байт, асар [4, 477]. Macmillan изоҳли луғатида юморнинг бирор ҳолат ёки тадбирни кулгили қилиш сифати, кулгили айтилган ёки қилинган нарса, бирор нарсанинг кулгилигини билиш қобиляти каби таърифларни кўриш мумкин [5, 740].

Oxford Advanced Learner’s Dictionary луғатида эса юмор-бирор нарсадаги унинг кулгили ёки қизиқарли қилиб кўрсатадиган сифат, кулгили нарсаларга кулиш қобиляти [6, 761] дея изоҳ берилади.

Демак, ҳажв борасидаги турли изоҳли луғатларда берилган таърифларни ўрганиб чиқсан ҳолда биз эътиборимизни ҳажвга турли соҳа олимлари томонидан берилган таъриф ва тавсифларга қаратамиз.

Кўплаб олимлар асрлар давомида ҳажвга изоҳ беришга ҳаракат қилиб келишмоқда, аммо алоҳида бир изоҳ халигача берилмаган. Шуниси аниқки, ҳажвнинг мавжуд кўплаб назариялари инсон билимлари орасида унинг вазифалари тушунарли эмаслигини кўрсатади.

Ҳажв борасида бир неча турли соҳалар, жумладан, лингвистика, психология ёки социологияда ҳажвнинг вазифаларини, катъий чегараларини изоҳлаш учун тадқиқот олиб борилган. Бу мавзу турли соҳаларда турли нуқтаи назардан ўрганилган бўлса ҳам, бу борада икки маънолик ва ҳажвнинг изоҳлаш муаммоли савол бўлиб қолаверган. Салвадор Аттардо ҳажвни тўлиқ тушунарли изоҳини бериш мумкин эмас деб таъкидлайди[7, 3]. Кийинчиликларга қарамасдан, ҳажв кулгили ва қизиқарли бўлиш учун бирор ким ёки нарсанинг катъий сифати ёки имконияти деб таъкидланади.

Алисон Рос ҳажв хақида бир неча фикрлар айтиб ўтади: “Ҳажв жамиятда тез-тез учрайдиган ҳодиса ва инсон тасирининг жуда муҳим қисми ҳисобланади”[8, 6]. “Ҳажв тасир кучига эга, у сиёсий сатирада ҳазил орқали дўстлик ўрнатиш ва бошқа муносабатларни саклаш йўли сифатида фойдаланилади”[8, 7]. Бу борада Роснинг фикрига қўшилишимиз мумкин. Чунки, ҳажв хар бир миллатнинг фольклори саналади. Фольклор эса жамиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳажвдан қай мақсадда фойдаланиш, қайси усулда



фойдаланиш инсоннинг табиатига ва характерига боғлиқ.

Ҳажвни ўзининг алоҳида ажратиб бўлмайдиган бир қанча аҳамиятли жиҳатлари бор, лекин аслида унинг кўзланган таъсирга эришиш учун биргаликда вазифаси мавжуд:

- алоқа
- когнитив ривожланиш
- кулгининг кўрсаткичи, мароқ ёки хурсандчилик
- стрес ва безовталиқдан фориғ бўлиш
- ўзини англашга ёрдам бериш[9, 17-18]

Ҳажвнинг ижтимоий соҳасини хисобга олиб айтадиган бўлсақ, эҳтимол унинг энг кўп эътироф этиладиган жиҳати бу кулги яратишдир. У баъзи ҳолатларни ёритишида, ҳамдардлик билдиришида ёки хурсандчилик орқали яхши кайфият бахш этишида фойдаланилади. Бунга боғлаган ҳолда Рос ҳажвни қуйидагича изоҳлайди “бирор шахсни кулдириш ёки табассум ҳадя этиш жараёни”[8, 1]. Бундай оддий изоҳни таҳлил қилиб Палмер жудаям нотўғри талқинни таъкидлайди. Унинг фикрича ҳажв “ҳамма нарсада мутлақ ёки имкон даражасида кулги мавжуд ва бу кулгили ходисалар томонидан бўладиган жараёндир”[9, 3]. Ҳамма учун ҳар қандай воқеа ҳам кулгили бўлавермайди. Ҳажвни бундай англаш ва белгилаш кўпгина факторга, жумладан, маданият, жинс ва ёшга боғлиқ. Ҳажв кулгидан фарқ қиласи. Бу икки терминлар ўзаро ўзгарувчан эмас ва улар бир хил тушунчани англатмайди. Ҳажв кулгининг бош сабабчиси бўлса ҳам, кулги ҳажвга мутлақ боғлиқ эмас ва баъзи ҳолатларда сиқилиш ёки қўркув белгиси каби хурсандчилик ифодаси ўрнига руҳий кескинликдан озод бўлиши мумкин. Ҳар бир ҳажвий ҳолатлар ҳам кишини кулдравермайди.

Юқорида таъкидланганидек, кулги инсонларни муайян қатлами бир қисмидаги контекстга боғлиқ.

Артур Дудден ҳажвни “маданий кўринишдаги индивидуал когнитив ҳодиса бўлиб, маданий жиҳатларга боғлиқ бўлади, чунки ижтимоий факторлар ҳажвнинг

содир бўлишида бош механизмлар хисобланади”[10, 4] дея таъриф беради. Стефан Бутлер Ликок учун эса, ҳажвнинг энг яхши таърифи қўйидагича: Ҳажв ҳаётнинг ва бадиий тасирчанликнинг номувофиқликларини турли кўринишлари сифатида изоҳланади. Ҳажв ҳиссиёт эмас, аммо ҳаёт фалсафаси. У инсониятнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, бирор тилнинг ажралмас компонентидир.

Юморнинг инсонга тасирида ўзи ва борлиқ ҳақидаги яширин мулоқотга эга зарбали тўлқин ўтиб кетади ҳамда зарбали тўлқин материали ахборотга айланади. Реаллик нореаллик тарзида берилиши мумкин. Аксарият ҳолларда бу ҳам комик ҳолатни келтириб чиқаради.

Юмор – бу ўйин ва ундаги ғалаба – кулгу[11, 76]. М. Войнаровский юморни тезда тушунишга айланадиган тасодиф сифатида белгилайди. Инсон кейин нима дейилишини олдиндан билмайди ва кичик тўхталиш (пауза), тушунишда кечикиш содир бўлади. Бекорга латифалар кутилмаган ва оддий топишмоқлар каби тузилмаган: кутилмаган ҳолатдан тезда чиқа олиш керак, кейин эса гапираётган одам нима демоқчи бўлганлигини топиш керак.

Кестлернинг фикрича, ҳажвия парадоксдан (бўлмагур нарсалардан) иборат, чунки кулги турли мураккаб ителлектуал ва эмоционал стимулнинг жуда кўплаб турларига бўлган универсал психологик тасирдир [12, 113-115]. Бу билан у ҳажвия бу ягона концепция ёки назария билан қамраб олиниши мумкин эмас, деган фикрни илгари сурмокчидир.

Кам сонли изланувчилар ҳажвни англатадиган таърифни беришга ва ўзлари танлаган мисоллар асосида унинг асосларини белгилашга уринишади. Бу изланувчилар ўз терминларининг таърифларини беришади ёки турли ёндашувлар ва маъноларни қабул қиласи ва ўзларининг мисолларини танлаш орқали ҳажв критериясини мукаммаллаштиради. Таърифларни таққослаш бу соҳада зиддият



ва қарама-қаршиликларга алоҳида эътибор қаратиш имконини беради.

Таърифлар ё сўзловчининг мақсадига ёки томошабин талқинига қаратилган бўлади. Бергер ҳажвни “номувофиқ алоқа ёки маънони келтириб чиқарадиган мулоқотнинг махсус тури ва шу йўл билан кулгини келтириб чиқаришдир” деб таърифлайди[13, 113-115]. Бергернинг кулгини таърифнинг бир қисми сифатида талқин этиши унинг таърифида томошабиннинг талқини муҳимроқ деб ҳисобланишини билдиради.

Виник сўзловчининг мақсадига эътиборини қаратади. Унинг ҳазилга берган таърифига кўра, “ҳазил сўзловчи томонидан аниқ билдириладиган сўзамонлик ва кулгини мақсад қилган мулоқотнинг бир туридир”[14, 124-128]. Ҳажв бўйича Виникнинг эмас, балки Бергернинг таърифи кўроқ муваффақиятли чиқкан. Таърифларда сўзловчининг мақсадидан кўра кўпроқ томошабинни муносабатига эътибор қаратилмоқда.

Мартени ўзининг таърифида икки элементни бирлаштиради. Унинг изохлашича, “ҳажв ҳар қандай бир-бирига алоқадор томонлар томонидан кулгили деб тушуниладиган ҳар қандай мулоқот инстанцияси бўлиш учун умумий тарзда талқин этилади”[15-120]. Бу борада сўзамонлик, ҳажв ва ҳазил ўртасидаги бир-бирига тўғри келишиликка эътибор қаратиш муҳимdir. Дункан ҳазил ва ҳажв

терминларини ўзаро алмашувчан ҳодиса сифатида таъкидлайди[17, 897]. Лонг ва Грессер Мартениеудан кенгроқ маънода таърифлайди. Улар икки нарсани: талқин ва мақсадни бирлаштиради. Улар ҳазилни атайин кулгини уйғотувчи ҳодиса сифатида изоҳлайди. Лонг ва Грессер ҳажвни эса бошқачароқ таърифлайди. Уларнинг фикрича, “ҳажв бу кулгили ёки кулгили бўлиш учун мақсадли ёки атайин қилинган ёки бажарилган ҳар қандай нарса”дир. Такқослаганда эса, ҳазил атайин кулгини уйғотиш учун айтилган ёки қилинган ҳодиса сифатида изоҳланади[17, 37].

Демак, юқоридаги манбалардаги ва турли соҳа олимларининг ҳажвга берган таърифларини ўрганиб чиқиб, биз ўзимизнинг ҳажвга берадиган изоҳимизни таклиф этишимиз мумкин. Ҳажв бу –инсон табиатига хос ҳодиса бўлиб, у ҳаётда учрайдиган турли қизиқарли воқеалар, бир-бирига ўзаро номувофиқ ҳодисалар содир бўлиши натижасида юзага келадиган жараён бўлиб, у инсонга тасир этиш кучига эга. Бу тасир икки хил кўринишда: салбий ва ижобий бўлиши мумкин. Ҳаётда содир бўладиган қизиқарли воқеаларга нисбатан кулиш инсонга ижобий таъсир қилиши мумкин ва, аксинча, инсонлар бир-бирларининг хато ва камчиликлари, нуқсонлари устидан кулиш эса табиий равишда салбий тасир кучига эгадир.

Адабиётлар:

1. Chairo D. et al., 2010, Translation, humour and literature. London.
2. Белинский В.Г. Собр. соч. В 3-х т. Е.И, 1948, с.238
3. Чернышевский Н.Г. Полн. собр. соч. Т. II. М., 1948, с. 185-186.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2007. 5-жилд.477-бет.
5. Macmillan For Advanced Learners. Printed and bound in Malaysia, 2010. p. 740.
6. Hornby A.S. Oxford Advanced Learner’s Dictionary. Oxford University Press. P. 761
7. Attardo S., 1994, Linguistic theories of humour. Berlin, New York: Mouton de Gruyter, p. 3
8. Ross A., 1998, The language of humour. London: Routledge. P. 6.
9. Palmer J., 1994, Taking humor seriously. London: Routledge. P. 3.
10. Tisgam Kh. H. Translating Cultural Humour: Theory and Practice. 1–15. Web. 12 Feb 2015.
11. Вацлавик П., Бивии Д., Джексон Д. Прагматика человеческих коммуникаций: Изучение паттернов, патологий и парадоксов взаимодействия. // Пер. с англ. А.



- Суворовой. — М.: Апрель-Пресс, Изд-во ЭКСМО Пресс, 2000. — 320 с. (Серия «Психология. XX век»).
12. Koestler A., 1964, The Act of Creation. London: Hutchinson & Co.
 - Berger, A. Anatomy of the joke. Journal of communication, 26: 113-115.
 13. Berger A. Anatomy of the joke. Journal of communication, 26: 113-115.
 14. Winick C. The social context of humor. Journal of communication, 26: 124-128.
 15. Martineau W. A model of the Social Functions of Humour. In Goldstein, J and McGhee, P.E., editors, The Psychology of Humour, chapter 5, pages 101-125. Academic Press, New York and London.
 16. Duncan W.J, 1984, Perceived humour and social network patterns in a sample of task oriented groups: a reexamination of prior research. Human Relations, 37(11): 895-907.
 17. Long D., Graesser A., 1988, Wit and humour in discourse processing. Discourse processes: A Multidisciplinary Journal, 11(2): 35-60.

Йулдошев У. Значимость понятия "юмор". В статье представлены взгляды исследователей категории юмора. Подчеркивается необходимость дифференциации юмора и шутки, роль и место юмора в обществе, а также условия его функционирования. Глубоко изучены специфические черты юмора, а также последствия его воздействия на индивида.

Yo'ldoshev U. Comprehension of the notion of humor. The concept of humour is defined with different sources and opinions by several scientists. It is mentioned that the difference between humour and joke, the role and function of humour in society, the cases of using humour. The peculiar features of humour and the important facilities appeared on the result of effect to human being are widely learnt.
